УзССР Давлат китоб палатаси
31 10 94

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

19 октябрь, чоршанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 205 (953)

## ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРКИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

18 октябрь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов туркийтилли давлатлар раҳбарларининг Истанбулдаги учрашувида иштирок этиш учун Туркия Республикасига жўнаб кетди.

Республикамиз Президенти сафар олдидан журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, туркийтилли давлатлар раҳбарларининг учрашуви ушбу мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий ва маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга эканини айтди.

— Мазкур давлатларнинг Анқарада бўлиб ўтган биринчи учрашувида кўпгина соҳаларда амалий ҳамкорлик қилиш тўғрисида муҳим ҳужжатлар қабул этилган эди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Лекин уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ўзгаришларга тўла ҳозирги даврда бироз суст кечмоқда. Шу боис Истанбулдаги иккинчи учрашувда мавжуд муаммолар амалий ҳал этилади, унда қатнашаётган ҳар қайси мамлакат шу ҳамкорликдан фойда топади, қардош халқлар унинг самараларини ўз ҳаётларида ҳис этадилар, деган фикрдаман.

Ислом Каримовни республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).



Бағдод туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 1033 гектар ерда пахта ўстиришиб, ҳар гектар ердан 30 центнердан, жами 3232 тонна ҳосил йиғиб олиб режани уддаладилар. Ғолиб пахтакорларнинг мақсади ҳосилдорликни 35 центнерданга етказиб, мавжуд майдонлардан 3790 тонна "оқ-олтин" йиғиштириб олишдир.

Вилоят Кенгаши депутати Абулқосим Абдуллаев бошлиқ бригада аъзолари бу йил 40 центнерлик маррани забт этиш учун курашмоқдалар. Йиғим-теримнинг пухта уюштирилганлиги ютуқлар омили бўлаётир.

Суратда: тажрибали пахтакор Абулқосим Абдуллаев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Сессияда вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов "Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг сайловларидан буён ўтган даврдаги иш фаолияти тўғрисида" маъруза қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўладиган сайловга тайёргарлик масаласи ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов қатнашди.

(ЎзА).

• *Республика Вазирлар Маҳкамасида*

## ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК !

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида республика истеъмол бозорини моллар билан тўлдириш ва аҳолига савдо хизматини яхшилаш ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда ҳукумат комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг, вазирликлар ва идораларнинг, уюшмалар, корпорациялар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Истеъмол бозорини тўлдириш ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан илгари белгиланган тадбирлар дастури шу йилнинг учинчи чорагида қандай бажарилгани кўриб чиқилди. Ўз вақтида чора кўрилмагани оқибатида топшириқнинг кўпгина жиҳатлари бажарилмай қолгани, натижада аҳоли анчагина миқдордаги энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарур молларни кам олганини комиссия таъкидлади. Маҳаллий ҳокимият идораларининг раҳбарлари аҳолини зарур моллар билан таъминлаш масаласига боқимандалик билан муносабатда бўлганига алоҳида эътибор қаратилди. Мустақил равишда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий моллар сотиб олиш учун катта имконият бўлгани ҳолда жойларда маҳсулот харид қилишнинг бу манбаларидан яхши фойдаланмай, ҳамма юмушларни аввалгидек фақат давлат ташкилотлари зиммасига юклаб қўйишмоқда.

Мажлисда аниқланган камчиликларни дарҳол тугатиш, аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур истеъмол моллари билан етарли миқдорда таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди, қиш-баҳор даврига картошка, сабзавот, мевани етарли миқдорда тайёрлаш ва сақлашни ташкил этиш, бошқа етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш зарурлиги кўрсатилди.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосарлари М. Усмонов, Ў. Султонов сўзга чиқдилар.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, М. Шарифхўжаев иштирок этдилар.

(ЎзА).

## МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛИ

Президент Ислом Каримовнинг "Ўзозиқовқатсаноат" давлат-акционерлик концернини қайта ташкил этиш тўғисидаги Фармони муносабати билан Тошкентда "Ёғмойтамакисаноат" уюшмасининг таъсис конференцияси бўлди. Унда уюшма бошқарувининг аъзолари, бошқарув раиси сайланди, низом тасдиқланди ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Таъсис конференциясида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди.

Конференцияда таъкидлаб ўтилганидек, "Ўзозиқовқатсаноат" концерни негизида ёғ-мой ва тамаки саноати корхоналарининг мустақил уюшмаси ҳамда қандолат, чой, пиво-алкоголсиз ичимликлар саноати корхоналари уюшмаси тузилиши бозор талабларига мос келади ва халқ хўжалигининг шу ҳаётий муҳим тармоқлари ишини тубдан яхшилашга қаратилган. Уларнинг зиммасига интеграциянинг бозор муносабатларига мос шаклларини ривожлантириш, рақобатбардошлик, экология жиҳатидан соф маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни, кооператив алоқаларни кенгайтириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришни тезлаштириш вазифалари юкланган. Айни пайтда янги техника ва замонавий технологиялардан яхшироқ фойдаланиш, бозор иқтисодиётига тезроқ ўтиш учун бу тармоқларнинг бутун фаолиятини такомиллаштириш зарур. Етилган муаммоларни ҳал қилмай туриб, кўпгина корхоналарда вужудга келган вазиятни ўзгартириб бўлмайди. Тўпланиб қолган муаммолар эса оз эмас.

Масалан, "Ёғ-мойтамакисаноат" уюшмасининг айрим корхоналари раҳбарлари Президент Фармонида кўзда тутилган очиқ тусдаги акционерлик жамиятларини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда асоссиз равишда сусткашлик қилмоқдалар. Шу кунга қадар бирорта корхона акция чиқармаган, биржаларда қимматли қоғозларни сотишга киришмаган. Қўшимча равишда ташкил этилган қўшма корхоналар ҳанузгача ишга тушмаган, янги ташкил этилаётган, жумладан хорижий ҳамкорлар иштирокида барпо этилаётган қўшма корхоналарнинг низом жамғармасига пул ўтказиш кечикиб кетмоқда. Хусусан хорижий фирмалар билан биргаликда протеин ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо этиш чўзилиб кетди.

Ёғ-мой саноатида умумий ишлаб чиқариш ҳажми ўсгани ҳолда Андижон ва Урганч ёғ-мой комбинатларида маҳсулот ишлаб чиқариш суръати пасайиб кетди. Кўрилаётган чораларга қарамай, ўсимлик ёғи, кунжара, чигит пўстлоғини нарядсиз бериб юборишга йўл қўйилмоқда. Урганч ёғ-мой комбинатида йилнинг учинчи чорагида соя ёғи олишга берилган нарядлар ҳисобига 447 тонна чигит ёғи жўнатилган. Учқўрғон ёғ-мой комбинатида худди шундай ғайриқонуний усул билан 182 тонна пахта ёғи жўнатилган. Текширишда аниқланишича, ёғ-мой корхоналари шу йилнинг тўққиз ойида нарядсиз 1590 тонна кунжарани бериб юборган. Чимбой ёғ заводи, Андижон, Денов ёғ-мой комбинатлари раҳбарлари жуда масъулиятсизлик билан иш тутишмоқда. Урганч, Хўжайли, Чимбой, Косон ёғ заводларида нарядсиз чигит пўстлоқ берилаётгани аниқланди. Ҳаммаси бўлиб қоидани бузган ҳолда 2894 тонна чигит пўстлоғи, бошқа турдаги кўплаб қимматбаҳо озуқа сотиб юборилган.

Республикада асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири — ўсимлик ёғи етишмаётган бир пайтда шўринг қургур мутахассислар ёғ ишлаб чиқариш технологиясини бузиш усулларини қидириб топишмоқда. Маҳсулот ҳидини йўқотадиган қувватлардан, озиқ-овқат ва техника ёғи олиш ускуналаридан тўла фойдаланилмаяпти. Бу эса маргарин маҳсулотлари ва кир совун ишлаб чиқаришни кўпайтиришга тўсқинлик қилмоқда.

Фарғона ёғ-мой комбинатида, Асака ёғ экстракция заводида, Чимбой ёғ заводида технология интизомининг бузилиши чигитнинг ортиқча сарфланишига олиб келмоқда. Асака ва Учқўрғон заводларининг ходимлари соя ортиқча сарфланишига йўл қўйдилар. Тармоқнинг Наманган, Косон, Қўқон ва Гулистондаги корхоналарида хом ашёнинг нобуд бўлиши ҳоллари аниқланди. Қарши, Қўқон, Андижон, Урганч корхоналари ёғ ва совун ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ва республикага четдан келтирилаётган сода маҳсулотларидан оқилона фойдаланмаяпти. Экстракция бензинидан фойдаланишда ҳам ана шундай исрофгарчилик кўзга ташланмоқда.

Республикада мева данакларидан ёғ олишдек муҳим имкониятлардан яхши фойдаланилмаяпти, мева данакларидан ёғ оладиган қувватлар тўла ишлатилмаяпти.

Ёғ-мой маҳсулотлари сифатига етарли эътибор берилмаётир. Технология интизомини бузувчилар маҳсулот сифати пастлиги учун катта миқдорда жарима тўламоқда. Шундай корхоналар орасида Чимбой, Учқўрғон, Янгийўл, Денов корхоналари бор. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида тармоқдаги нуқсон билан ишловчилар 3,6 миллион сўм жарима тўлади. Ахир бу маблағни фойдали ишга, хусусан бошланган қурилиш ишларини туғаллашга, ишлаб чиқаришни таъмирлашга сарфлаш мумкин эди. Шу муносабат билан конференцияда маблағларни биринчи навбатда янги қурилишга эмас, балки ҳозир қурилаётган жуда муҳим иншоотларни ишга туширишни тезлаштиришга сарфлаш, ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлашда даромадлардан оқилона фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Тармоқ корхоналарида тартибни бузиш ҳоллари эътибордан четда қолмаяпти. Чунончи, хизмат мавқеини суиистеъмол қилгани учун Учқўрғон ёғ-экстракция заводи раҳбарларига қарши жиноий иш қўзғатилган.

Конференцияда тармоқ корхоналарининг раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди, ҳозир амалга оширилаётган қайта тузиш вужудга келган муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради, деган ишонч билдирилди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

### ЕЛИМ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

**"Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасида олти фоизли "полиакриамил" қоғоз елимини тайёрлаш йўлга қўйилди**

Сўнгги вақтда нафақат мактаблар, балки корхона, ташкилотларда ҳам танқис бўлиб қолган елим муаммоси бирлашмада ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Равил Сафин ташаббускорлиги туфайли ҳал этиладиган бўлди. Ҳозир бу ерда ҳар ойда 20 тоннагача шундай маҳсулот ишлаб чиқарилаётир.

### ЁШЛАР УСТОЗИ

**Фарғоналиклар Бахтиёр Абдурашидовни халқ ҳунармандчилиги устаси, ёшлар устози сифатида яхши билишади. Кўплаб қурилишларни безатишда, ёшларга ганч ўймакорлиги санъатини ўргатишда ҳам унинг ҳиссаси катта.**



**СУРАТДА: халқ устаси Б. Абдурашидов.**

### ЎТИН ТАШВИШИДАН ҚУТИЛИШДИ

**Чимбой туманидаги "Чимбой" номли ширкатлар уюшмаси аъзолари қиш арафасида ўтин ташвишидан қутилишди. Овулларга 15 километрлик газ қувурлари тортилиб, 150 га яқин хонадонда "зангори олов" ёна бошлади.**

Бу хайрли ишни аъло даражада адо этган "Қорақалпоқирмонтаж" бирлашмасининг Чимбойдаги бўлинмаси тумандаги "Кенес", У. Юсупов номидаги жамоа хўжаликларидаги овулларга ҳам йил охиригача табиий газ тортиб беради.

### ЗАРДЎЗЛИК — АЗАЛИЙ КАСБ

**Қизилтепа туманидаги "Зилола" маиший хизмат кўрсатиш хусусий корхонасида халқимиз ҳунармандчилигининг қадимги турларидан бири — зардўзликка ихтисослашган "Дилафрўз" цехи иш бошлади.**

Натижада 50 нафар қиз-жувон доимий иш билан таъминланди. Цехда тайёрланаётган жойнамоз, белбоғ, сўзаналар, келин-куёвлар учун зар либослар ҳамда нафис миллий кийимлар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

### ШУҲРАТ ТОПАЯПТИ



**Чуст туманидаги "Чевар" ҳиссадорлик жамияти чеварлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар халқ орасида шуҳрат топаяпти. Шу боис улар тикаётган зардўзлик буюмларининг харидорлари кўпаяяпти.**

**СУРАТДА: чевар Ж. Саъдиева.**

### КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

**Балиқчи туманидаги Хўжаобод спорт товарлари фабрикаси қошида янги 90 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.**

Ишлаб чиқаришдан олинаётган фойда ҳисобига барпо этилган бу замонавий боғча биноси кичкинтойларнинг қувончли шовқинига тўлди.

Туман марказида яна бир болалар боғчаси ва 16 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР

## АСАКА АДИРЛАРИДАГИ "МАРҲАМАТ"

*Гап шундаки, ер сатҳидан бир неча метр баландликда бўлган Асаканинг адирларига марҳаматликлар саломатликни қайта тиклаш маскани қурдилар. Санаторийда дам олиш ва даволаниш учун барча шарт-шароит яратилган. "Марҳамат" деб номланган мазкур оромгоҳни вилоят жамоа хўжаликлари қурилиш тресты бунёдкорлари фойдаланишга топширдилар. Бу ерда ғоят қисқа вақт ичида 4 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.*

Ш. ФОЗИЛЖОНОВ.

• *«Оқ олтин»-94*

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БИРИНЧИ

Йиллик марра сари дадил интилаётган Фарғона вилоятидан Олтиариқ тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини уддалашди. Ҳар гектар майдондан 29,4 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳозиргача қабул пунктларига топширилган 30 минг тоннадан ортиқ пахтанинг асосий қисми юқори сортларга қабул қилинди.

Олтиариқда бу йил ҳақиқий пахта йили бўлди. Кўпни кўрган отахон-онахонлар ҳам бу йилгидек ҳосилни анчадан бери кўришмаганини эътироф этишмоқда. Олтиариқликларнинг юксак хирмонларида "Жўрак", "Қизилтепа", Қўзибоев номли, Отақулов номли, "Оқбўйра", "Янгиобод", "Иттифоқ", "Нуробод" жамоа хўжаликлари пахтакорларининг муносиб ҳиссаси бор.

Туманда пахта йиғим-терими қизғин давом этяпти.

Набижон СОБИР,
"Халқ сўзи" мухбири.

## ДЕҲҚОН-ФЕРМЕР ПАХТАСИ

Рустам Ўтабоев бошлиқ бўлган "Лочин" фермер-деҳқон хўжалиги жамоаси бу йил 10 гектар ерга чигит экиб мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Арнасой туманида ерларнинг мелиоратив ҳолати бузилиб, деҳқончилик учун мураккаб шароит вужудга келишига қарамай фермер–пахтакорлар жуда қаттиқ меҳнат қилишди. Ер маҳаллий ўғитга тўйдирилди. Парваришлаш агротехникасига қатъий риоя қилинди. Натижа ёмон бўлмади. Биринчи теримдаёқ йиғиб олинган ҳосил гектар бошига 24 центнерга тўғри келди. Даладаги ҳосилни чамалаб жамоа аъзолари ҳосилдорликни 34 центнерга етказишга қарор қилдилар.

Ҳ. НАБИРАЕВ.
"Халқ сўзи" мухбири.

## 1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 18 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

| Вилоятлар | Режага нисбатан фоиз ҳисобида тайёрланган: Жами — Бир кунда | Жами — Мавсум бошидан бери | Шу жумладан машинада терилгани — Бир кунда | Шу жумладан машинада терилгани — Мавсум бошидан бери |
|---|---|---|---|---|
| Қашқадарё | 1.20 | 96.22 | 0.51 | 64.32 |
| Хоразм | 1.08 | 95.74 | 0.16 | 7.51 |
| Бухоро | 0.64 | 94.83 | 0.00 | 3.70 |
| Андижон | 1.43 | 89.25 | 0.46 | 21.23 |
| Навоий | 0.51 | 88.05 | 0.27 | 26.42 |
| Фарғона | 1.19 | 85.95 | 0.11 | 14.78 |
| Самарқанд | 0.49 | 84.45 | 0.07 | 25.57 |
| Наманган | 1.51 | 84.02 | 0.73 | 35.70 |
| Сурхондарё | 0.98 | 80.68 | 0.25 | 30.93 |
| Тошкент | 1.42 | 74.55 | 0.84 | 51.34 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1.25 | 65.64 | 0.42 | 20.36 |
| Жиззах | 0.93 | 64.46 | 0.67 | 48.58 |
| Сирдарё | 1.51 | 60.91 | 1.30 | 47.62 |
| Республика бўйича | 1.12 | 81.98 | 0.51 | 34.22 |

